Самимий миннатдорлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

НАТОнинг 50 йиллиги тантаналари муносабати билан ўтказилган саммит ҳамда Ҳамкорлик бўйича Евро-Атлантика Кенгаши учрашуви пайтида менга ҳаммаслак бўлганингиз учун Сизга миннатдорлигимни изҳор этмоқчиман. Биз саммитда эришилган ҳамкорлигимизни чуқурлаштириш ҳамда ҳамкор мамлакатлар ва иттифоқ ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги натижалар билан фахрланишга ҳақлимиз.

Бизнинг кенгашдаги ҳамда Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик дастури доирасида амалга ошираётган ишимиз барқарор ва хавфсиз Евро-Атлантика Ҳамкорлигини бунёд этишга ёрдам бермоқда. Биз ҳамкорлик ва мулоқот умумий қадрият ва мақсадларимизга кўмаклашишига ишонганимиз учун ҳам ҳамкор ва дўст бўлишга аҳд қилганмиз.

Келинг, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларга риоя этилаётган Тинчлик ва равнақнинг Евро-Атлантика Зонасини биргаликда бунёд қилишда давом этайлик.

Камоли эҳтиром билан,

Билл КЛИНТОН,
Америка Қўшма Штатлари Президенти

Ислом Каримовга «Олтин маржон» мукофоти топширилди



Мамлакатимизга ташриф буюрган Халқаро ҳаваскор курашчилар федерацияси (ФИЛА) Бош котиби Мишел Дюссон Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга федерациянинг олий мукофоти — «Олтин маржон»ни тантанали равишда топширди. Мазкур мукофот давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда, қолаверса жаҳонда спортни ривожлантириш йўлидаги катта хизматлари учун берилди. Шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳондаги давлат раҳбарларидан биринчи бўлиб ушбу олий мукофот билан тақдирланди.

24 май куни Оқсарой қароргоҳида Президент Ислом Каримов билан ФИЛА Бош котиби Мишел Дюссон ўртасида бўлиб ўтган мулоқот чоғида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, Ўзбекистонда спортни янада юксалтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди. Маълумки, 25 май куни Тошкентдаги «Юнусобод» спорт мажмуида юнон-рум ва эркин кураш бўйича навбатдаги Осиё чемпионати бошланади.

— Мазкур чемпионатнинг Ўзбекистонда ўтказилиши биз учун катта воқеа, — деди Ислом Каримов суҳбат чоғида. — Хабарингиз бор, яқинда Тошкентда ўзбек кураши бўйича биринчи халқаро мусобақа ҳам бўлиб ўтди. Бу тадбирларнинг барчаси Ўзбекистон билан халқаро спорт ташкилотлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги кунда ФИЛАга 135 дан зиёд мамлакатнинг кураш бўйича миллий федерацияси аъзо. Ўзбекистон Кураш уюшмаси унга 1992 йилда қўшилган. ФИЛАнинг асосий мақсади — юнон-рум, эркин кураш ва аёллар курашини дунё миқёсида кенг ёйишдир.

Оқсарой қароргоҳида бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 25 май, сешанба • № 61 (24.456).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

XXI аср ўзбек ёшлари

Орзудан яралган йўллар

Ортимда қувнаган ўксиниш қолди
Олдимда йиғлоқи қувончни кутиб
Қалбимни ўртаган соғинчлар тилди
Хайр, болаликнинг сўнгги сўқмоғи!

Мана ҳаётимизнинг туб бурилишига ҳам етиб келдик. Умр сўқмоқларидан бири вужудидан бахтга, қувончга тўла вулқонлар отилувчи болалик ниҳоясига ҳам етиб келдик. Биз бу йўлларда орзудан яралган коинотни, қувончдан яралган табиатни, меҳру-муҳаббатдан яралган дунёни кўрдик. Унда неки бор: қувончдан ҳам, ғамдан ҳам баҳраманд бўлганмиз. Биз бу лаҳзаларни мана шу кун, шу соатда энг тотли, энг ширин лаҳзалар эканлигини англагандаймиз. Энди ҳаётимизда болалик дамларидай ширин, мазмунли кунлар ҳамроҳ бўлиши даргумон. Чунки бу дам, бу ҳаёт инсонга бир марта, фақат бир марта берилади. Кимдир бу дамлар қадрига етади, кимдир етмайди, ҳаётни эса орқага қайтариб бўлмайди. Фақат бунга биргина таскин бор. У ҳам бўлса кўнгилнинг туб-тубига болалик хотираларини сақлаб, эслаб юриш. Бизнинг ҳаётимизда ҳам ўзгаришлар бўлмоқда, болаликдан йигитликка қадам қўямиз. XX асрнинг энг сўнгги улғайтирган фарзандлари бўлиб, айримларимиз кириб келаётган XXI асрнинг энг биринчи талабалари бўламиз, иншоллоҳ яна айримларимиз ҳунарманд. Келинг, дўстлар биз мана шу янги ҳаётимизга қадам қўяр эканмиз, ыхалқнинг орзу қилган фарзандига, унинг истак ва хоҳишларини амалга оширувчи бўлиб, юрт учун хизмат қилайлик.

Болалик, биз сендан узоқлашиб борар эканмиз, сенда орзу қилган эзгу мақсадларимизни амалга оширишга ҳаракат қиламиз. Олдимиздаги юксак тоғларни кўзлаймиз.

Аслиддин АБДУЛАЗИЗ ўғли

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1999 йил 25 майдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади*

1 Австралия доллари	77,77
1 Австрия шиллинги	9,04
1 Англия фунт стерлинги	188,61
10 Бельгия франки	30,83
1 Голландия гульдени	56,44
10 Греция драхмаси	3,83
1 Дания кронаси	16,73
1 БАА дирхами	31,97
1 АҚШ доллари	117,42
1 Миср фунти	34,43
10 Испания песети	7,47
100 Италия лираси	6,42
1 Канада доллари	80,21
1 Хитой юани	14,18
10 Люксембург франки	30,83
1 Малайзия рингити	30,90
1 Германия маркаси	63,59
1 Польша злотийси	29,86
1 СДР	157,75
1000 Туркия лираси	0,29
1 Финляндия маркаси	20,92
1 Франция франки	18,96
1 Швейцария франки	77,61
1 ЕВРО	124,37
10 Жанубий Корея вони	0,99
10 Япония иенаси	9,48
1 Россия рубли	4,76
1 Украина гривнаси	29,94

***)Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Оғаҳий бобо ёш ижодкорларга мададкор

Бу йил улкан сўз соҳиби Оғаҳий бобомизнинг қутлуғ маъракалари бутун мамлакат бўйлаб кенг нишонланади. Хоразм вилояти ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил қилинган Оғаҳий номидаги жамғарма юбилей муносабати билан ўтказилаётган турли тадбирларга ҳомийлик қилмоқда. Жамғарма ҳомийлигида улуғ сўфий шоир бобомиз Паҳлавон Маҳмуднинг «Ҳақ файзи» деб номланган рубоийлар тўплами чоп этилди. Шоир ва таржимон Матназар Абулҳаким Хива Ичонқалъа музей-қўриқхонаси хазинасида сақланаётган мажмуадан ўзбекчага ўгирган рубоийлар илк бора ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинди.

«Огоҳий» жамғармаси шоир Мурод Иброҳимнинг янги китобини, шунингдек ёш ижодкорлар Мурод Ражаб ва Дурдипошша Худойназаровларнинг илк шеърий жамланмаларини чоп қилишга кўмақлашиб, ғоятда савоб ишга бош бўлди. Жамғарма раиси, шоир ва драматург Комил Авазнинг эътироф этишича, жамғарма бундан кейин ҳам ёш иждкорларни ўқувчилар билан таништиришга ҳомийлик қилиш ниятида. «Бу аслида, — дейди шоир, — улуғ бобомизнинг ёш ижодкорларга ҳам руҳий, ҳам моддий мададидир».

Рўзимбой ҲАСАН

Риштонда халқаро анжуман

Ислом қонунчилигида жуда катта шуҳрат топган буюк юртдошимиз Бурхониддин ар Ровшадоний юртида «Бурхониддин ал Марғилоний-ар Ровшадоний ҳуқуқий меросининг илмий-амалий аҳамияти» мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Афғонистон, Франциядан ва республикамизнинг турли вилоятларидан келган олимлар, ҳуқуқшунослар қатнашишди. Анжуман сўнггида меҳмонлар Риштон шаҳридаги Бурхониддин Ровшадоний мақбарасини зиёрат қилдилар.

Мирзо АЛИШЕР

Журналистлар давра суҳбати

Жамиятни демократлаштиришда оммавий ахборот воситалари қандай ўрин тутади? Конрад Аденауэр халқаро жамғармасининг ҳудудий бўлими ва журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан Ўш шаҳрида ўтказилган давра суҳбати ана шу мавзуга бағишланди. Унда Қирғизистон Республикаси оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, шунингдек андижонлик журналистлар қатнашдилар.

Давра суҳбати иштирокчиларини Ўш вилояти губернатори ўринбосари А. Зокиров, Конрад Аденауэр фонди ҳудудий бўлимининг вакили В. Шрайбер, журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази ижрочи директори Г. Бобожоновалар қизғин муборакбод этдилар.

Мазкур халқаро ташкилотлар томонидан ўтказиладиган кейинги давра суҳбати Андижон шаҳрида бўлиши белгиланди. Анжуман демократик сайловлар мавзусига бағишланади.

Аҳмадулло СОЛИЕВ

Узоқ йўл яқин бўлди

Мамлакатимиз пойтахтидан кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳри темирйўл шоҳбекати — вокзалга 663-электровоз келди.

— Электровоз соатига 120 км. тезликда юради. Темирйўлларимиз бу машинанинг техник талабларига жавоб берса, масофани яна ҳам қисқартириш мумкин, — дейди ҳайдовчи Аброр Тўрақулов. — Энг муҳими, мустақил юртимиз фуқароларининг узоғини яқин қилиш билан бир қаторда халқ хўжалиги юкларини белгиланган жойларга тезликда етказиб берамиз.

Темирйўлни электрлаштириш ишларини 3,5 ойда қуриб ишга туширишда ЭП-1 ва ЭП-757 электр қурилиш ташкилотининг бир гуруҳ фидойи ишчи-хизматчилари сидқидилдан меҳнат қилдилар.

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Назорат

Режасиз ва ноқонуний текширувлар ўтказиб, ишингизга халақит бераётган текширувчилар, тафтишчилар, назоратчилар ҳақида Вазирлар Маҳкамасидаги гуруҳга ва жойлардаги ҳудудий комиссияларга маълум қилинг. Бундай қонунбузарларга қарши биргалашиб курашсакгина, жамиятимиз тезроқ покланади, қонун устуворлиги таъминланади.

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ишчи гуруҳи

Гуруҳ Вазирлар Маҳкамаси биносида жойлашган. Корхона раҳбарлари, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан содир этилаётган барча қонунбузарликлар ҳақида гуруҳга 139-80-31, 139-80-37, 139-80-38 рақамли "Ишонч" телефонлари орқали маълум қилишлари мумкин.

Шундай "Ишонч" телефонлари ҳозир Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри, барча вилоятлар ҳокимликлари ҳамда давлат солиқ бошқармаларида ҳам ишлаб турибди.

Вилоятлар	Код	Телефон рақамлари	
		ҳокимликлар	давлат солиқ бошқармаларида
1. Қорақалпоғистон Республикаси	36122	2-13-31	2-23-54
2. Андижон	3742	25-58-04 22-17-45	22-14-00
3. Бухоро	3652	4-28-94	3-44-88
4. Жиззах	37222	3-02-80 3-34-36	3-50-66
5. Қашқадарё	37522	4-39-73	3-87-49
6. Навоий	43622	3-00-75	3-32-07
7. Наманган	36922	6-51-72	6-36-50
8. Самарқанд	3662	35-20-30 33-18-84	33-01-45
9. Сурхондарё	37622	2-74-66 2-01-91	3-78-61
10. Сирдарё	3672	25-21-57	25-35-59
11. Тошкент		133-73-00	137-54-49
12. Фарғона	3732	24-43-84	24-59-38
13. Хоразм	36222	6-51-24 6-54-25	7-11-38
14. Тошкент шаҳри		133-15-32	55-67-42

218 кун текширдилар... ва...

беҳаловат кунлардан зада бўлган раиснинг арзидан сўнг

Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Қуйида бир жамоа хўжалигида 8 ой мобайнида 13 бор, жами 218 кун текшир-текшир ўтказилгани хусусида тўхталмоқчимиз. Шунча вақтдан бери ўз ечимини топмаган тафтиш хўжалик ҳаётига нечоғлик таъсир қилдийкин? Наҳотки, масалага ойдинлик киритиш учун одамларни шунча вақтдан бери овора-ю сарсон қилиш зарур бўлса?

Биз бу ерда ҳеч кимни ранжитмоқчи ёки бирор томонга ён босмоқчи эмасмиз. Бу бизнинг вазифамизга кирмайди ҳам.

Лекин қўлимиздаги ҳужжатлар, текшир-текширлар тафсилотидан ҳам кўз юмолмаймиз.

ТАҲРИРИЯТ

Президентимиз Олий Мажлиснинг XIV сессиясида турли хил текширувчи ва назорат қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйиш зарурлигини алоҳида уқтирди ўтдилар. Шу боис оммавий ахборот воситалари, матбуотда бу масала билан жиддий шуғулланиш мақсадида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ишчи гуруҳи тузилганлиги эълон қилинди. Бу эса режасиз, ноқонуний текширувлар ўтказишнинг пайи қирқилади, иқтисодий соҳани эркинлаштириш йўлидаги тўсиқлар олиб ташланади дегани.

Куни кеча таҳририятга полвонкелбат йигит қучоққа базўр сиғадиган қалинликдаги ҳужжатлар тахламини кўтариб кириб келди.

Танишдик. Сариосиё туманидан экан. «Дашнобод» жамоа хўжалиги раисиман, деди.

— Биродар, кунимиз кун эмас, — гап бошлади у. — Бир йилдирки, ғалвадан бошимиз чиқмайди. Нима қилишимни билмайман. Бор-е, деб ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзайми, дейману, лекин хўжаликдагиларни ўйлайман. Ҳар ҳолда халқдан ёмонлик кўрмадим. Одамлар ҳам кўриб-билиб туришибди. Бу оғир кунлар ҳам ортда қолар, бизга тинчлик бермаётганларга ҳам инсоф кирар, деган ўйга бораман. Бироқ, яна жамоа хўжалиги, аниқроғи, менинг устимдан турли хил идораларга ёзиш тўхтамаяпти. Текшир-текширларни кўраверириб асабимда асаб қолмади.

— Қанақа текшир-текшир?.. Кимлар? Нима сабабдан?..

— Аввал мана шу аризани ўқисангиз... Кейин дардим сизга ойдинлашар, балки...

Раис столимга гупиллатиб ташлаган ҳужжатлар жилди ичидан шикоят хатига кўз югуртаман. Раис Абдуғаффор Аҳмедовнинг ёзишича, бир гуруҳ шикоятчилар турли ташкилотларга бесаноқ хатлар жўнатиб, хўжаликда иш юритиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга имкон беришмаяпти.

«... Хўжалик 1998 йилнинг 13 апрелидан то 1998 йилнинг 3 декабригача бўлган даврда 218 кун давомида текширилди. Ғанни бошидан бошлай. Туман давлат солиқ инспекцияси, ички ишлар бўлими ходимлари шу вақт мобайнида хўжаликни «элакдан ўтказдилар». 48 нафар бригадир, 28 нафар идора ходимлари, 750 нафар ишчи мунтазам равишда идорага чақирилиб, сўроқ қилинди, улардан тушунтириш хатлари олинди. Бироқ, аризалар тасдиқланмади. Шундан сўнг яна туман давлат солиқ инспекцияси, молия бўлими, туман ҳокимлиги назорат инспекциясининг текшируви бошланди. Ҳужжатлар тафтиш қилинди. Хўжалик омборлари муҳрланди. Ҳатто туман давлат солиқ инспекциясининг ўзи 109 кун давомида текширув ўтказди. Энг қизиғи, баъзи бир текширишлар натижаси бўйича 2 марталаб далолатнома тузилди. Текширув якуни тўғрисидаги далолатнома ёзилиб кимларгадир кўрсатилади. Бу тафтиш натижаси ёқмайди шекилли, келиб яна ўша ҳужжатларни қайтадан текширишади. Бошқа далолатнома ёзишади. Эрталаб яна ҳаммаси бошидан бошланади. Ҳаттоки хўжалик ҳисобхонаси дафтарларини солиқ инспекцияси нозирлари кимларнингдир топшириғига биноан ўғирлаб олиб нусха кўчиришлари аён бўлди. Солиқ инспекцияси вакиллари текширган ҳужжатлардаги фактлар аризачиларга оширилиб, уларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари пайдо бўлди. Мен бундан туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи А. Орзиқуловни огоҳ этдим. У киши, бизга топшириқ бўлаяпти, текширмасак мен ишдан кетаман, деди. Вилоят давлат солиқ инспекциясига бориб мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Шундами, текширувлар бироз камайди, лекин тугамади. Вилоят ҳокимлиги ва вилоят прокуратурасининг текширини тугамасдан туман ички ишлар бўлимининг ўнлаб ходимлари яна хўжалик идорасига милиция машиналарида келишиб, менинг ва бош агрономнинг хизмат машинасини юзлаб одамлар кўз ўнгида тинтув қилишди ва туман ички ишлар бўлимига олиб кетишди. Хўжалик омборлари 20 кунлаб муҳрланган кўйи қолди. Мен милиция ходимларидан бу хатти-ҳаракатларнинг сабабини сўраганимда, бизга топшириқ бўлган, дейишди. Бирорта ҳам ҳужжат кўрсатолмадилар. Фақаттина туман прокуратурасининг ишга адолатли равишда ёндошганлиги боис улар ўз мақсадларига эришолмадилар.

Сўнгра вилоят ҳокимлигидан келган тафтишчи хўжалик аъзоларининг талабига асосан, 250 киши ҳузурида аризачилар билан очиқ-ойдин суҳбатлашди. Уларнинг шикоятида кўрсатилган фактлар исботини топмади. Аризаси туҳматдан иборатлиги тасдиқланди. Одамлар ғазабланди. Чунки, шу кунлар мобайнида қанчалаб кишиларнинг вақти бекор кетди...»

Хуллас, юқоридаги аҳвол. Бир хўжаликни шунчалар титпитини чиқариб тафтиш этишди. Орада қанчалар асаб-бузарлик. Энг ёмони, бу текшир-текширлар хўжаликда ишни уюшқоқлик билан олиб боришга ғов бўлади. Ҳали Эшмат, ҳали Тошмат қунора ҳужжат қўлтиқлаб хўжалик идораси эшигининг олдида турса, топшириқ деб хўжалик раҳбарлари билан савол-жавобни бошласалар, ачинарли томони, ўша бир хил мазмундаги шикоятлар (муаллифлар ҳам ўша-ўша кишилар)нинг кети узилмаса, ҳар бир текширувчи ажрикдай илдиз отиб кетган бир хил мазмундаги шикоятларни кўтариб юрса... Ва, уни асос қилиб олса... Бу шикоятлар юзасидан аввал юзлаб текширувлар ўтказилган бўлса...

«Дашнобод» Сариосиё туманидаги илғор хўжаликлардан бири саналади. Буни 1996, 1997, 1998 йиллар мобайнидаги иқтисодий кўрсаткичлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича доимо режани бажариш, уларни сотишдан олинган соф фойда миқдорида ҳам кўриш мумкин. Хўжалик асосан мева-сабзавот, бошоқли дон етиштиришга ихтисослаштирилган.

— Сизларга мурожаат қилишимдан мақсад, шунча муҳокама ва текширишлардан кейин ҳам бошимиз ғалвадан чиқмайдиганга ўхшайди. «Шикоятчилар яна ёзишибди, яна комиссия келармиш, яна тушунтириш хатлари ёздиришармиш», деган гаплар кўпаяверса ишда унум бўлмайди. Эллан барака кўтарилади, — дейди раис таҳририятдан чиқиб кетаётиб.

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Демократиянинг янги талқини

Президент асарларида янги ижтимоий-фалсафий тизим асослари яратилиши жамият ҳаётига, унинг тузилиши ва ривожланишига янгича қараш имконини берди. Бошқа фалсафий оқимлар етарли эътибор бермаган улкан куч — маънавият жамиятнинг тадрижий тараққиётини таъминловчи қудратли омил экани кашф қилиниши жамият онгида катта асорат қолдирган Маркс ва Ленин фалсафаси қолипларидан қутилиш йўлини кўрсатди.

Жамиятда Маркс ва Ленин таълимотига танқидий муносабат билдириб келинаётган бўлса ҳам унинг стереотипларидан қутилиш имконияти бўлмаётган эди. Ботқоқдан чиқиш учун таянч нуқтаси керак. Жамиятшунослар учун ўшандай таянч нуқтаси йўқ эди. Тўғироғи, бундай таянч яратилаётган эди, лекин марксизм асоратлари уни англаб олишга халақит берарди. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари», «Маънавий юксалиш йўлида», «Баркамол авлод орзуси», «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» китобларида ижтимоий ҳаётнинг муҳим ҳодисаларидан бўлган демократияни талқин қилишга янгича, унинг шу кунгача олимлар эътиборидан четда қолиб келаётган хусусиятлари очиб берилди.

Демократия муаммосини ёритишда йўлбошчимиз ёндошувидаги янги жиҳат шундаки, унинг нутқ ва мақолаларида, номлари юқорида санаб ўтилган асарларида шу кунгача жаҳон сиёсатшунослари ва сиёсатдонлари илғай олмаган янги жиҳат кўрсатиб берилди.

Сиёсатшунослик ва ҳуқуқшунослик илмларида демократия, «тенглик ва эркинликка асосланган, халқни ҳокимиятнинг ягона манбаи деб тан олувчи давлат ва жамият сиёсий тузилишининг шакли», деб қараб келинади. Бу таърифнинг нотўғри жойи йўқ, лекин унинг камчилиги шундаки, у тўла эмас, чала.

Президент асарларида демократиянинг яна бир муҳим жиҳати — унинг маънавият билан боғлиқ экани, унинг ривожи маънавият ривожига муносиб равишда бўлиши кўрсатиб берилади. «Ҳақиқатан ҳам демократия, — деб ёзади у «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида, — назария ёки сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай шу билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусиятлари ҳамдир».

Собиқ Иттифоқ тарқалгандан кейин унинг ўрнида пайдо бўлган давлатлар ривожининг дастлабки даврига назар ташласак, демократия тўғрисида жуда кўп гапирилгани кўзга ташланади. Лекин уни ҳаётга татбиқ қилиш учун зарур шартлар тўғрисида деярли ҳеч нарса гапирилмайди. Бу эса демократия тўғрисида оғиз кўпиртириб гапираётган давлат арбоблари дейсизми, сиёсий гуруҳ ва партияларнинг етакчилари дейсизми демократияни ҳақиқатан ҳаётга киритиш тўғрисида эмас, кўпроқ фуқаролар, сайловчилар олдида ўзини демократ қилиб кўрсатиш, сохта обрў орттириш учун қайғурганларини кўрсатади. Шу ҳолатни таҳлил қилар экан, Ислом Каримов Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида шундай дейди: «... кўпчилик эски тузумни рад этиб эски тизимни бузиш, демократик жамият ва бозор муносабатлари дастурини эълон қилиб, ўзини ҳақиқий демократия тарафдори дея жар солишининг ўзи янги ҳаёт қуриш учун етарли, деб ўйлади».

Шўролар даврида олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларига диалектик ва тарихий материализм ўқитилар экан, бу фанлар дастурида демократия тушунчасига ўрин ажратилмаган эди.

Ўша даврда барча талабаларга ўқитилган «Илмий коммунизм назарияси», деб аталган фанда демократия эмас, пролетариат диктатураси тўғрисида ваъз айтилар эди. Бунга кўра, пролетариат диктатураси демократиянинг энг олий шакли, гултожи эди. Бу фан ўқитувчилари шу даражада устаси фаранг бўлиб кетган эдиларки, улар нафақат талаба-ёшларни, балки партия ўқуви, деб аталган тизимда шуғулланувчи катта ёшлиларни ҳам, демократиядан диктатура афзал эканига ишонтира олган эдилар. Бу диктатуранинг нақадар зўр «демократия» экани 30-,40-йилларда ва 50-йиллар бошида яққол намоён бўлди. Ўшанда шу «демократия»нинг зўрлиги туфайли ўн миллионлаб одамнинг ёстиғи қуриган эди.

Демократия буржуазияга хос бемаънилик эканига одамлар ишонтирилгач, у ҳақда дарслик ва рисолаларда гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Шунинг учун шўролар даврида бу тушунча фалсафа курсидан қувиб чиқарилди. Мустақиллик даврида ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш қадам-бақадам амалга оширилар экан, демократия масаласи биринчи даражали аҳамият касб этди. Шунинг учун бу тушунчани назарий-фалсафий талқин қилиш заруряти туғилди. Ижтимоий тараққиёт кун тартибига қўйган бу улкан фалсафий муаммо Президент томонидан батафсил ва чуқур ишлаб чиқилди.

Унинг асарларида жамият тараққиёти негизида маънавият ётиши асослаб берилар экан, демократия масаласига худди шу нуқтаи назардан ёндошилади. Яъни демократиянинг фалсафа ва сиёсатшуносликда мутлақо ишланмаган янги қирраси очилади ва бу қирранинг демократия моҳияти билан нақадар узвийлиги таҳлил қилинади.

Демократия ва маънавият тушунчалари боғлиқлиги тўғрисида гап борар экан, улар ўртасидаги муносабат жуда мураккаб эканини назарда тутиш керак. Бу мураккаблик, жумладан, шунда кўринадики, маънавият демократия йўқ жойда ҳам ривожланиши мумкин. Тарих бундан кўп марта гувоҳлик берган. Зулм авж олган, эркинлик бўғилган пайтларда ҳам маънавият ривожланаверган. Лекин бундан маънавият ривожланиши учун демократия мутлақо керак эмас, деган хулоса ҳам чиқмаслиги лозим. Чунки демократиянинг ривожланиши ва демократик тузум маънавиятнинг барқ уриб ривожланиши учун катта имконият яратади.

Бу муносабатнинг иккинчи томони шундаки, маънавият демократиясиз ҳам яшаши, ривожланиши мумкин бўлса-да, демократия маънавиятсиз ривожланиш у ёқда турсин, яшай ҳам олмайди.

Ҳозирги давр сиёсатшунослигида демократиянинг бир неча назарий моделлари яратилган. Булар сирасига плюралистик моделни, Шумпетер ва Даунснинг иқтисодий субмоделини, Арон ва Беллнинг технократик моделини, Алмонд-Вербнинг консенсусли демократия моделини ва бошқаларни киритиш мумкин. Уларнинг аксариятида демократия тўла ва кенг қамровли бўлиши учун у маънавиятга асосланиши лозимлиги умуман тилга олинмасада, баъзиларида йўл-йўлакай демократик тузум ўрнатиш учун муайян маданият бўлиши лозимлиги эсга олинади. Лекин бу назарияларнинг муаллифлари маданият деганда асосан сиёсий маданиятни тушунадилар ва маънавият демократиянинг муҳим шарти экани ҳақида махсус тўхталмайдилар.

Демократия, агар у ҳақиқий демократия бўлса, иқтисодий асосдан ташқари чуқур маънавий илдизга ҳам эга бўлиши керак. Агар маънавий илдизга эга бўлмаса у том маънодаги демократия бўла олмайди ҳам.

Халқимизнинг ниҳоятда бой маънавий, маданий меросга эга эканини ҳеч ким инкор қила олмайди. Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбандий, Исмоил Бухорий, ат-Термизий, Алишер Навоий ва яна ўнлаб, юзлаб алломаларимиз ўтганки, уларнинг ҳар бири бошқа ҳар қандай халқ учун ғурур тимсоли бўлиши мумкин. Лекин ҳамма гап шундаки, ўша аждодларимиз яратган улкан меросни биз қай даражада эгаллаганмиз? Бу бойлик бизнинг онгимизга қай даражада сингган? Шу саволларга бериладиган жавоб қанчалик ижобий бўлса, демократия ривожи учун шунчалик қулай шароит мавжуд бўлади.

Демократия моҳиятини тушунишда юз берадиган қизиқ бир ҳол яна шундаки, маънавияти тубан шахс ёки гуруҳ демократияга эришганда, кўпинча фақат жамият эмас, ҳатто ўз манфаатларига ҳам зид иш қила бошлайди. Чунки у жамият манфаати у ёқда турсин ўз манфаатини ҳам тўла англаб олмайди.

Демократиянинг маънавият билан боғлиқлиги яна шундаки, унинг ўзи ҳам тарихан маънавият маҳсулидир. Чунки у ҳақдаги тасаввурлар маънавият тараққиётининг маълум босқичида вужудга келади. Давлат тузилишининг дастлабки демократик шакллари қадимги Юнонистонда вужудга келгани тасодифий эмас. Чунки айнан шу мамлакатда маънавият ўзининг юқори чўққиларига кўтарилди. Худди шу давр, яъни маънавият юксакликка кўтарилган пайтда давлат тузилишида демократик тамойиллар куртак ёза бошлади. Қадимги Юнонистонда маънавиятнинг инқирозга юз тутиши эса демократиянинг ҳам инқирозини бошлаб берди.

Миллат ва маънавият

Демократия ва маънавиятни бир-бири билан боғлиқ равишда таҳлил қилиш юртбошимизнинг фақат нутқ ва мақолалари, асарлари учунгина хос бўлмай, амалий фаолиятининг ҳам муҳим жиҳатидир. 1996 йилда «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини янада ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти қабул қилган қарорда жумладан, шундай дейилади: «Маънавий-маърифий ишларга эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат қуришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир».

Демократиянинг яна бир муҳим белгиси шундаки, у маънавиятнинг маҳсулигина эмас, таркибий қисми ҳамдир. Чунки унинг ўзи ҳам шахс ва жамият тасаввури сифатида шу жамият маънавиятини ифодалайди. Шу ҳолатдан муҳим бир қоида келиб чиқади. Маънавияти юксак мамлакатда демократия ривожланишига замин мавжуд. Маънавий тушкун мамлакатда эса демократия кенг қулоч ёза олмайди. Мабодо уни зўрма-зўраки тадбиқ этилган тақдирда ҳам, у шахс ва жамият тараққиётига эмас, таназзулига хизмат қилади.

Баъзи «танқидчилар» мамлакатимиздаги демократлаштириш жараёнларини тушунмай, масалан, хорижга кетиб, ўз юртига тош отаётган диний ақидапарастлар Ўзбекистон демократлаштиришда Ғарбга яқинлашиб, нотўғри йўл танлади, деб айтишмоқда. Улар Ўрта Осиё ҳудудида тарқатишга уринаётган ақидапарастлик қўлланмаларидан бири «Демократия куфр низоми», деб аталади.

Бизни иккинчи томондан «танқид» қилишга уринаётган яна бир гуруҳ ватангадолар ўзларини демократ, деб аташади. Бу «демократ»ларнинг айтишича, Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнлари секин кетаётган ва Ғарбдагидай эмас эмиш. Ҳар икки «танқидчи»ларимизнинг даъволари асоссиз эканини уларнинг бир-бирини мутлақо инкор қилиши ҳам кўрсатиб турибди. Шу ҳолни қайд этиш билан кифояланса ҳам бўларди, лекин бу ҳар икки «танқидчилар» тараққиётдаги ўзбек моделинигина эмас, на Ғарб, на Шарқ демократиясини ҳам тўла тушунмаётганликларини батафсил таҳлил қилиш эса вақтни ва қоғозни бекор сарф қилишдир. Чунки уларнинг демократия ҳақидаги сафсаталарида фалсафий-назарий асослар у ёқда турсин, қуруқ бақир-чақирдан бошқа ҳеч нарса йўқ.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юртбошимиз асарларида маънавият демократлаштириш жараёнининг ягона шарти, деб қаралмайди, балки демократия чуқур маънавиятга асосланганлигига ҳақиқий демократия бўла олиши мумкинлиги кўрсатилади. Шунинг учун ҳам Ислом Каримов ислоҳотларга бошчилик қилаётган мустақил Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ривожланиши, жамиятни демократиялаштириш маънавий тараққиёт билан боғлиқ ва мутаносиб тарзда олиб борилмоқда. Мамлакатимизда маънавиятни юксалтириш бўйича кенг миқёсда олиб борилаётган тадбирлар айни пайтда демократияни янада кенгайтириш сари ҳам қўйилган қадамдир.

Абдуллажон БЕГМАТОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Партия аъзолари фаоллиги ошмоқда

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган салкам 8 йилда, ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамасдан, Нукус шаҳри саноати, транспорти, қурилиши ривожланди. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш, фан ва маданият соҳаларида ижобий ўзгаришлар юз берди.

Куни кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон ХДП Нукус шаҳар ташкилотининг ҳисобот-сайлов конференциясида ҳудудий ва бошланғич партия ташкилотларининг бу борадаги ишлари таҳлил этилди.

Шаҳар партия ташкилотининг ҳамда ташкилот тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари ва музокараларда XXI аср бўсағасида турганлигимиз, бу аср пойдеворини ҳозирдаёқ яратишимиз зарурлиги ҳақида гапирилди. Бунинг учун ҳар бир партия аъзоси бугунги ишимизнинг самарали бўлишига муносиб ҳисса қўшиши лозимлиги таъкидланди.

Ҳисобат даврида партия сафлари ўсди, мустаҳкамланди. 1992 йилда 1689 ХДП аъзоси бўлган бўлса, бугунга келиб, уларнинг сони 4400 кишидан ошди. Улар 17 та ҳудудий, 58 та бошланғич партия ташкилотларига жипслашган. Фақат кейинги тўрт йилда ишлаб чиқаришда синалган, ХДП Дастури ва Низоми билан яхши таниш 1703 киши унинг аъзолигига қабул қилинди. Уларнинг ярмидан кўпроғини 30 ёшгача бўлган ёшлар, кўпларини хотин-қизлар ташкил этади.

Партия аъзоларининг асосий қисми ишлаб чиқаришда бевосита қатнашиб, иқтисодий ислоҳотларда иштирок этмоқда. Янги иш жойларини ташкил этиш, ишсизларни иш билан таъминлашда ҳам улар ташаббускор бўлмоқдалар.

Оналар ва болаларнинг саломатлигини таъминлаш, уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган, кўп болалик ва боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги Президент Фармонлари ва республика ҳукумати, давлат ҳокмияти маҳаллий идораларининг қарорлари бажарилишини таъминлаш масалалари, партия ташкилотларининг диққат-эътиборида. Ўтган йили 16 ёшгача болалари бўлган 22615 оилага 147,1 миллион сўм, кам таъминланган 7694 оилага 33,1 миллион сўм ёрдам пули берилди.

Бир қатор корхоналарда, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида, мактабларда «Маънавият ва маърифат» марказлари, «Ёшлар» клублари ишлаб турибди. Уларда мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг асарлари, маърузалари, фармонлари ва ҳукуматимиз қарорларини ўрганиш, шунингдек, газета-журналларнинг янги сонларини ўқиб бориш учун барча имкониятлар яратилган. Тарғиботташвиқот ишларида партия аъзолари фаоллик кўрсатмоқдалар.

Шаҳар партия ташкилоти барча соҳаларда касаба уюшмалари кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» ва бошқа жамғармалар бўлимлари билан ҳамкорликда ишламоқда.

Танқид, ўз-ўзини танқид руҳида ўтган конференцияда ишдаги мавжуд камчиликлар рўй-рост очиб ташланди, олдинда турган вазифаларни бажаришга қаратилган таклифлар киритилди.

Конференцияда муҳокама қилинган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Анжуманда шаҳар партия кенгашининг ва ташкилот тафтиш комиссиясининг янги таркиби, ҳамда Қорақалпоғистон республика партия ташкилотининг конференциясига делегатлар сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И.А. Кочмарик, Қорақалпоғистон Республикаси кенгашининг биринчи котиби А. Х. Асанов сўзга чиқдилар.

Унинг ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кэнгеси қўмитаси раиси Қ. Исмоилов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Б. Бектурдиев, шаҳар ҳокими И. Холмуродов қатнашдилар.

Янги сайланган ЎзХДП Нукус шаҳар кенгашининг биринчи пленумида С. Нурмонов унинг биринчи котиби этиб қайта сайланди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Шунингдек Бекобод, Зарафшон, Марғилон, Қўқон шаҳар, Амударё, Ангор, Бешариқ, Боёвут, Бухоро, Гурлан, Дўстлик, Жалолқудуқ, Зарбдор, Зафаробод, Китоб, Марҳамат, Олтинкўл, Олтиариқ, Термиз, Томди, Улуғнор, Урганч, Учқудуқ, Хўжаобод, Шахрисабз, Шеробод, Шовот, Кува, Яккабоғ, Янгибозор туман партия ҳисобот-сайлов конференциялари бўлиб ўтди.

Уларда сайланган партия кенгашларининг пленумларида, тегишлича, Б. Содиқов, Б. Қосимов, М. Исоқов, Э. Эргашев, Ў.Ёқубова, А.Ёқубов, Д. Ғозибеков, С. Жўраева, Ў. Аллаберганова, А. Қаршиев, М. Қурбонова, А. Ўсканов, Ш. Мавлонов, А. Турсунпўлатов, А. Абдужабборов, З. Сатторов, Б. Раҳимов, С. Обидов, О. Мойхиев, Ж. Исманова, Х. Ваисчанов, Н. Идрисов, А. Жўраев, М. Астанов, Я. Тожиев, М. Тожиев, Қ. Юнусов, Р. Ражапов, С. Ҳайитбоев мазкур кенгашларнинг биринчи котиблари этиб сайландилар.

Партия конференциялари ишида, тегишлича, ҳоким Б. Содиқов, ҳоким биринчи ўринбосари А. Залиганов, ҳоким А. Рўзиев, ҳоким ўринбосари З. Оҳунова, ҳокимлар Р. Йўлдошев, Ш. Беккелдиев, А. Ёқубов, Т. Маъмуров, Н. Пўлатов, ҳоким вазифасини бажарувчи Қ. Бобожонов, ҳокимлар С. Исмоилов, М. Эгамова, Т. Исмоилов, ҳоким ўринбосари Қ. Силлиев, ҳокимлар Ў. Хидиров, Ё Ҳайдаров, ҳоким биринчи ўринбосарлари Ф. Расулов, О. Ибрагимов, ҳокимлар Б. Панжиев, А. Назаров, ҳоким ўринбосарлари А.Тошбоев, И. Абдуллаев, ҳокимлар А. Эргашев, Ў. Оҳунов, Ш. Алланазаров, Э. Қўйлиев, Б. Ражабов, М. Носиров, Б. Раҳимов, П. Рўзметовлар ҳамда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, вилоят партия кенгашлари котиблари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Партиянинг янги нашри

Ўзбекистон ХДП Кува туман партия ташкилотининг II конференцияси делегатлари анжуманни яхши кайфият билан бошладилар. Чунки худди шу куни Ўзбекистон ХДП туман партия кенгашининг нашри — «Тонг нури» газетасининг илк сони делегатларга тарқатилди. Партиянинг янги нашри Кува тумани ҳокими, ХДП туман кенгаши ижроия бюроси аъзоси М.Носировнинг «Сафимизда яхшилар кўпайсин» сарлавҳали мақоласи билан очилган. Матбаа нуқтаи назаридан чиройли, юқори савияда чоп этилган бу газетани газетхонлар яхши кутиб олишди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Германиянинг янги Президенти

Германиялик машҳур сиёсатчи, Шимолий Рейн-Вестфалия ерининг собиқ Бош вазири Йоҳаннес Рау Германиянинг янги Президенти этиб сайланди. Берлиндаги Рейхстаг биносида бўлиб ўтган сайловда 690 депутат Й.Рау номзодини қўллаб-қувватлаб овоз берди.

Сайловда Германия конституцион органининг 1300дан ортиқ депутати иштирок этди. Бу орган мамлакат Президентини сайлаш учун махсус тузилган бўлиб, унинг 669 нафар аъзоси Бундестаг (парламент), яна шунча нафари эса федерал ерлар (пандтаглар) парламентлари вакилларидир.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

Президент сайловига уч кишининг номзоди қўйилган эди. Биринчи номзод Германия Социал-демократлар партиясидан Йоҳаннес Рау бўлса, иккинчиси Христиан-демократлар ва Христиан-социалистлар иттифоқларидан номзоди кўрсатилган Дагмар Шипанскидир. У машҳур физик олим сифатида донг таратган. Ниҳоят учинчи номзод Демократик социализм партиясидан Ута Ранке-Ҳайнеман эди.

Амалдаги қонунга мувофиқ, президентликка номзоди қўйилган шахс ғалаба учун дастлабки икки турда яширин овоз бериш йўли билан депутатларнинг мутлақ кўпчилик овозини олиши керак. Й.Рауга бунинг учун биринчи турда ўн уч овоз етмади. Аммо у иккинчи турда федерал йиғин аъзоларидан 690 нафарининг овозини олди. Бу керагидан ҳам ортиқдир. Унга асосий рақиб саналган Дагмар Шипански 572 овозга эга бўлган бўлса, Ута Ранке-Ҳайнеман номзодини 62 нафар депутат маъқуллади.

Мамлакат конституциясига мувофиқ, қирқ ёшдан ошган ҳар бир фуқаро давлат раҳбари лавозимига ўз номзодини суриш ҳуқуқига эга. Президент беш йил муддатга сайланади. Бир киши икки бор кетма-кет бу лавозимни эгаллаши мумкин. Мамлакат раҳбарини федерал йиғин, яъни конституцион орган сайлайди. Юқорида таъкидланганидек, ушбу орган Бундестаг депутатлари ва федерал ерлар парламентлари вакилларидан ташкил топган. Мамлакатнинг ҳозирги Президенти Роман Ҳерцогнинг ваколати тугаётган эди. Лекин у иккинчи бор номзодини бу лавозимга қўйишни истамади.

Шу ўринда Германиянинг янги Президенти ҳақида қисқача маълумот бериш ўринлидир. Йоҳаннес Рау 1931 йилда туғилган. Мутахассислиги ношир. У 1957 йилда Германия социал-демократлар партиясига аъзо бўлган. 1970 йилда Шимолий Рейн-Вестфалия ерлари ҳукуматининг фан ва тадқиқот масалалари бўйича вазири этиб тайинланган. Орадан икки йил ўтгач, мазкур ернинг бош вазири бўлган ва 1998 йилга қадар шу лавозимда фаолият кўрсатиб келган. Унинг номзоди бир неча бор юқори лавозимларга кўрсатилган. Жумладан, Й.Рау 1987 йилда канцлерлик, 1994 йилда президентлик сайловида иштирок этган.

Й.Рау ГФР конституциясига асосан, жорий йилнинг биринчи июлидан бошлаб президентлик вазифасини бажаришга киришади.

Равшан МАҲМУДОВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Инсонпарварлик ифодаси

Раҳмонқул Жўрабоев Пахтакор туманидаги катта бир идорада бош ҳисобчи бўлиб ишларди. Шайтон йўлдан урдими, нафси тинчлик бермадими — жиноятга қўл урди. Катта миқдорда давлат мулкини талонторож қилишда қатнашиб, беш йилга озодликдан маҳрум этилди. Ҳозиргача белгиланган жазо муддатининг 11 ойини ўтади.

— Президентимизнинг амнистия тўғрисидаги Фармонини эшитиб, кўзимга ёш келди, — дейди Р.Жўрабоев. — Олий маълумотлиман, беш нафар фарзандим бор. Наҳотки, қирчиллаган, айни ишлайдиган йигитлик давримни қамоқхонада ўтказаман, деб кўп сиқилардим. Ҳаётда бошингга нима ташвишлар тушишини билмас экансан. Хато қилдим, жабрини тортяпман. Мени авф этиб, озодликка чиқараётган Президентимизга минг раҳмат.

Самарқандлик Рустам Алиқулов эса катта бир ташкилотда қоровул эди. Ўғриликда айбланиб, олти йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Жазо муддатининг бир йил саккиз ойини ўтказиб бўлганди. Оилали, 4 нафар фарзанди бор.

— Бу Фармон кўнглимда яшашга умид, ҳаётга ишонч туйғуларини уйғотди, — дейди Р.Алиқулов. — Қамоқда ўтирган кунларимда дунёда озодликдан улуғ бахт йўқ эканлигини чуқур ҳис қилдим. Оиланг бағрида, дўстларинг даврасида тинч ҳаёт кечиришда катта ҳикмат бор экан. Озодликка чиққач, қолган умримни ҳалол меҳнат билан ўтказишга аҳд қилдим.

Баревков Сергей ўғрилик қилиб, 7 йилга озодликдан маҳрум этилган. Бугунги кунгача жазонинг бир йилу беш ойини ўтаган.

— Президентимиз Ислом Каримовни халқимиз нима учун яхши кўришининг сабабини англагандай бўлдим, — дейди Сергей Баревков. — У киши принципиал, мард одам бўлиш билан бирга, кечиримли, кўнгли кенг, меҳри дарё инсон экан. Муддатимдан олдин мени озодликка чиқараётганликлари учун юртбошимизга, ҳамма яхши одамларга раҳмат айтаман.

— Фармоннинг амалий ижросини таъминлашни бошлаб юбордик, — дейди Қашқадарё вилоятидаги жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича прокурор Ҳаким Иқромов. — Жазо муддатлари амнистия тўғрисидаги Фармон моддаларига мос келадиган маҳкумларнинг биринчи гуруҳини озодликка чиқариш ишлари бошланди.

Кечаги маҳкум, бугунги озод инсонларнинг дил сўзларини эшитиб, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «9 май — Хотира ва Қадрлаш куни деб эълон қилиниши муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармоннинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилиш мумкин. Ушбу ҳужжат туфайли минглаб одамлар осуда ҳаётга, ўз оиласи бағрига қайтади. Бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлади. Халқимиз азалдан кечиримли бўлган. Юртбошимизнинг бу Фармони мана шу қадриятнинг яна бир ифодаси бўлди.

А. ТАЙПАТОВ,
ЎзА мухбири

Эртанинг илдизлари

Қуруқ хомашё сотиб, биримиз икки бўлмаган замонлар энди ўтмишга айланди. Йил-ўн икки ой далада тер тўккан ўзбек деҳқони энди ликда жаҳон бозорини эгаллашга қодир.

Хазорасп ип-йигирув фабрикаси вилоятдаги йирик корхоналардан. Пахтакорга мададкор корхона. Негаки, бу ерда пахта хомашёсидан турли ўлчамдаги толалар йигириляпти, матолар тўқилмоқда. Бу ишни эса уддабурон қизларнинг сеҳрли бармоқлари рўёбга чиқараётир.

Тайёрлов цехининг ёш ишчиси Ойпошша Жуманиёзова ойлик режаларини юз йигирма фоиз уддалаб, тенгқурларига намуна бўлаётганлардан. (Биринчи сурат).

Ёш, аммо аллақачон тажриба орттириб, илғорлар қаторига қўшилган Мариямжон Юсупова (иккинчи суратда) ҳамда Сайёрахон Нуруллаевалар ўзаро мусобақалашиб сифатли, чидамли енгил саноат учун зарур турли калавалар тайёрлашмоқда.

Ватан равнақига ҳар ким имконича улуш қўшади. Чаққон, ораста қизларнинг бу борадаги улушлари эса салмоқли. Негаки, улар эртанги буюк келажагимиз мустаҳкам томирларини яратаётганликларини яхши билишади.

Саъдулло БОБО олган суратлар

Спортимиз жаҳонга юз тутмоқда

Спорт юрт довруғини дунёга ёйишнинг муҳим омили экани амалда кўринмоқда. Кўз тегмасин, спортимиз барқарор одимламоқда, жаҳонга юз тутмоқда. Бу ҳаммаси истиқлолнинг қарийб 8 йиллиги оралиғида юртимизда барқарорликнинг муқимлигидан, ривожланишнинг собитлигидан деб билмоқ керак. Муҳими, спортга, соғлом авлодни шакллантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ёшларга спортнинг истаган тури билан шуғулланиш учун қулай шароитлар мавжуд. Мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро мусобақалар юқори савияда, жаҳон андозаларига мос равишда уюштирилмоқда. Кейинги йилларда айниқса спортнинг теннис, футбол, бокс ва кураш турлари шундай ривожландики, оммавийлик касб этиб, маҳоратли спортчилар сафи кенгайиб, халқаро майдонларда йигит-қизларимиз ғолиблик супасига кўтарилиб, мовий-яшил байроғимизни ҳилпирашига, мадҳиямизнинг чалинишига эришмоқдалар. Бугун-эрта пойтахтимизда иккита халқаро мусобақа бошланади. «Юнусобод» спорт кошонасида эркин ва юнон-рум курашлари бўйича Осиё чемпионати байроғи кўтарилса, Республика қуролли кучлари спорт масканида волейбол бўйича яна бир халқаро мусобақа бошланади. Биз шу муносабат билан Республика спорт курашлари ассоциацияси президенти Аҳрол РЎЗИЕВ билан Республика волейбол федерацияси бош котиби Леонид АЙРАПЕТЬЯНЦга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

Осиё полвонлари беллашар бунда

Бугун Тошкентда эркин юнон-рум кураши бўйича Осиё чемпионати байроғи кўтарилади

— Гапнинг сирасини айтиш керак, ҳамиша ҳар нарсада ҳам биринчи бўлиш осон кечмайди, — деб гап бошлади Аҳрол РЎЗИЕВ. — Боиси қизиқарли кураш бўйича Тошкентда Осиё чемпионатининг ўтказилиши ҳам, бу баҳсда илк марта аёлларнинг қатнашиши ҳам биринчи бўлмоқда. Бу ўзича бўлгани йўқ. Сабаб юртимизда спортга эътибор катта, соғлом авлодни тарбиялашга аҳамият берилмоқда. Биз эса курашнинг ана шу икки турини ҳар томонлама ривожлантириш, оммавийлигини таъминлаш, маҳоратли спортчилар сафини кенгайтиришга куч беряпмиз. Хусусан, «Мустақиллик кубоги» учун уч марта халқаро турнирнинг ўтказилиши бу борада амалга оширилаётган ишларимиз ўз самарасини бераётганини кўрсатди. Халқаро ҳаваскор курашчилар федерациясининг малакали экспертлари Тошкентда бўлиб ўтган ана шу мусобақанинг ташкилий томонлари, яратилган шароитларга, спортчиларнинг одобига кўпроқ эътибор қилишди. Мамнуният билан айтиш мумкинки, ФИЛА мутахассисларининг бизда яратилган шароитларига юксак баҳо бериши , охир-оқибатда юртимиз пойтахтида Осиё чемпионати ўтказишимизга йўл очди.

— Маълумки, икки ой аввал, аниқроғи Наврўз айёми кунларида «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа ўтказилганди. Мана энди полвонлар Осиё чемпиони бўлиш учун шайланиб туришибди. Демак, бундай баҳсларни уюштириш бўйича тўпланган тажриба, малака, қолаверса, кўникма навбатдаги нуфузли баҳсни ташкиллаштиришда асқотса керак?

— Нимасини айтасиз. У ёғини сўрасангиз, ФИЛА президенти Милан Эрцеган мартабали раҳбарлардан саналади. Эндигина ривожланиб, жаҳонга юз тутаётган мамлакатимиз пойтахтига Осиё чемпионати муносабати билан у кишининг келишларини кутиб туришимиз ҳам ўзига хос воқеа десам бўлар. Демак, бизда бундай хайрли юмушларни адо этишда аввало астойдил ишга киришиш, барча юмушларни ўрнига қўйиш, муҳими меҳмону спортчиларнинг кўнглини олишга эътибор катта. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юртимизда спортга давлат аҳамиятига молик иш деб қаралаётгани хорижлик мутахассисларга жуда маъқул келмоқда. Сўзсиз бундай ишончни оқлашимиз керак. Бунинг учун бизда барча имконият ҳам, шароит ҳам етарли. Осиё чемпионати юқори савияда, жаҳон андозаларига мос равишда ўтказилади деган умиддаман. Яна бир нарса: йилига бундай нуфузли мусобақалар дунё бўйича қарийб юзлаб ўтказилади. Бундай баҳсларга мезбонлик қилиш кўпроқ АҚШ, Эрон, Жанубий Корея, Туркия, Япония, Россия ва Украина мамлакатлари зиммасида бўлиб келмоқда. Биз ҳам ана шундай давлатлар қаторида бўлишга талабгормиз десам муболаға бўлмайди. Эндиликда бу борадаги имкониятларимиз ёруғ келажакдан дарак бермоқда. Хусусан, ФИЛАнинг розилиги билан унинг режасига 2001 йили Тошкентда ёшлар, яна бир йилдан кейин катталар ўртасида жаҳон чемпионатини ўтказиш киритилган.

Бундай катта режаларга мослашиш учун бугунданоқ саъй-ҳаракатларни бошлаб юбордик. Чунки, нуфузли мусобақаларни ўтказиш ўзига хос спорт техникасига оид анжомлар билан курашхоналарни жиҳозлашни тақозо этади. Шунинг учун ҳам баҳс қандай бораётганини қайд этиб турувчи учта электрон табло, полвонлар вазнини аниқ ўлчайдиган тарозулар келтириб қўйдик. Шунингдек, йирик мусобақалар чоғида допинг назорати яхши йўлга қўйилиши лозим. Акс ҳолда нотабиий зўриқтирувчи моддалардан фойдаланиш оқибатида ғолибни аниқлаш бўйича ноаниқлик ва холисликка путур етказиш мумкин. Бундай юмушни Москва антидопинг маркази мутахассислари адо этиб берадиган бўлишди. Уларнинг иш фаолиятини Халқаро олимпиа қўмитаси тасдиқлаган. Баҳсларга ҳакамлик қилиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жанубий Корея Республикаси вакили, ФИЛАнинг ҳакамлик фаолиятини мувоффиқлаштириш бўйича мутахассис Ким Ик-Енг билан югославиялик Бронислав Сильич бу масалада кўмак берадилар.

— Тошкент мусобақасида полвонларимизга қайси мамлакат вакиллари кўпроқ муросасизлик қилишлари мумкин деб ўйлайсиз?

— Бу борада алоҳида ўйлаганимиз бор. Хусусан, Эрон полвонлари қатор йиллардан бери ғолибликни қўлдан бермай келмоқдалар. Ўйлайманки, «орани очиқ қилиш» вақти етдиёв. Бунинг учун полвонларимиз тайёргарликда бизни уялтириб қўймайдилар, деган умиддаман. Бунга сабаб собиқ иттифоқ даврида курашчиларимиз бундай мусобақаларда кучли ўнликдан ҳам жой ололмаган бўлсалар, кейинги йилларда 4-5-ўринга чиқишга эришмоқда. Яна Гран-При даражасидаги халқаро мусобақаларда. Бунга эришиш осон бўлмайди. Биз кўпроқ полвонларимизга ишонамиз, ёш курашчиларни тарбиялаш, маҳоратини оширишга эътибор бераверамиз. Йигитларимиз дилида Ватан ғурури, истиқлол, юртга меҳр-муҳаббат, миллий ифтихор туйғулари мужассам экан, ўйлайманки, бундай полвонларнинг курагини ерга текизишнинг ўзи бўлмас.

Юнон-рум кураши бўйича полвонларимиз таниқли мутахассис Комил Фаткулин бошчилигида Пермь шаҳрида чемпионатга ҳозирлик кўриб қайтишди. Эркин курашчилар эса Владикавказда шайландилар. Уларга Маъмур Рўзиев устозлик қилмоқда. Полвонликка ошуфта хотин-қизлар эса Фазлиддин Пўлатов раҳбарлигида ҳозирлик кўрдилар. Бир сўз билан айтганда Адҳам Очилов, Моис Ибодов, Рамил Исломов, Игорь Купиев, Руслан Хинчагов, Сослан Фраев, Шамсиддин Худойбердиев, Дилшод Орипов, Баҳодир Қурбонов, Исомжон Кенжаев, Шуҳрат Саъдиев ва аёллардан Илмира Газизова, Динора Мирзаева, Марина Қодироваларга умид боғлаб турибмиз. Ўйлаймизки, улар ишончимизни оқлаб юзимизни ёруғ қилишга ҳаракат қиладилар.

Муқаддам АШРАПОВА

Ўзбекистон тиббиёт фани ва жамоатчилиги оғир жудоликка учради. Моҳир жарроҳ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Республикада хизмат кўрсатган врач, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, Республикадаги биринчи аёл хирург-профессор, тиббиёт фанлари доктори Муқаддам Ашрапова 1999 йил 22 май куни 80 ёшида вафот этди.

Ўлим сафимиздан ажойиб инсон, таниқли олима ва жамоат арбобини олиб кетди.

Профессор М.Ашрапова Тошкент Давлат тиббиёт институтини битиргач, 1941 йилда фронтга кетиб то 1945 йилгача фашизмга қарши жангларда қатнашиб ярадор бўлганларни даволади.

Профессор М.Ашрапованинг кейинги ҳаёти ўзи тугатган тиббиёт институти билан узвий боғлиқдир. У дастлаб хирургия кафедрасида ассистент, доцент, профессор ва кафедра мудири ҳамда факультет декани лавозимларида ишлаган эди.

Профессор М.Ашрапова ошқозон-ичак касалликларини жарроҳлик йўли билан даволаш борасида амалий тиббиёт учун муҳим бўлган йўналишларда илмий ишлар олиб борган ва минглаб беморлар ҳаётини сақлаб қолган жонкуяр шифокор эди.

Республикамизда юқори малакали шифокорлар тайёрлашда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Ҳозирги кунда кўплаб юқори малакали шогирдлари унинг ишини давом эттирмоқдалар.

Муқаддам Ашрапова тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган 100 дан ортиқ илмий мақолалар ва бир нечта монографиялар муаллифидир.

Профессор М.Ашрапова Ватанимиз ҳамда халқимиз олдидаги хизматлари учун кўплаб ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Йирик олима, машҳур жарроҳ, таниқли жамоат арбоби М.Ашрапованинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида доимо сақланиб қолади.

И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ў.СУЛТОНОВ, Ҳ.КАРОМАТОВ, Д.ГУЛОМОВА, Т.АЛИМОВ, Т.РИСҚИЕВ, Ф.НАЗИРОВ, Т.ДАМИНОВ, Ў.ОРИПОВ, Э.БОҚИБОЕВ.

Меҳр-оқибат кунидир

Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган биринчи кунларданоқ турли миллат ва элатларни жуда кўп томонлама ҳайратларга солиб келаётир. Ўтган саккиз йилда уни дунёнинг юзлаб давлатлари таниди, тан олди. Қойил қолди. Давлатимиз раҳбари жаҳон миқёсидаги кўплаб олий учрашувларда қатнашди, нутқ сўзлади. Дунёда ўзбек деган халқ борлигини, Ўзбекистон деган мамлакат борлигини аҳли жаҳонга таништирди. Ва ҳақли равишда дунёнинг кўзга кўринган сиёсатчиларидан бирига айланди.

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган ҳар бир қонун, қарор ёки Президентимизнинг ҳар бир фармони бугун хорижликлар нигоҳида. У хоҳ сиёсий, хоҳ иқтисодий, хоҳ маънавий-маданий соҳада бўлсин — барибир ўз аксадосини беради.

Мана яқингинада юртимизда Хотира ва Қадрлаш куни нишонланди. Унга эса нафақат ўзимизда, балки, хорижда ҳам катта баҳо берилди.

Мен яқинда Навоий вилоятининг Хатирчи туманида бўлганимда Исроил давлатидан келган бир гуруҳ меҳмонлар билан суҳбатлашиб қолдим. Табиий, уларнинг Ўзбекистон ҳақидаги фикрлари билан қизиқдим.

— Биз Исроилнинг Тель-Авив шаҳрида яшаймиз, — деб бошлади ўз сўзини Ёйир Абаев. — Лекин, мана шу Ўзбекистон тупроғи, аниқроғи, Хатирчи туманида ота-боболаримизнинг хоклари ётибди. Биз ўзбекларнинг тузини еганмиз. Уларнинг меҳ-

Эътироф

мондўст, очиққўнгил халқ эканлигини биламиз. Лекин собиқ СССР даврида бу ерга келиб кетишнинг ўзи бўлмасди. Шу боболаримизнинг хокларини зиёрат қилишга келиш учун минг бир чиғириқдан ўтишимизга тўғри келарди. Президент Ислом Каримовга минг марта раҳмат. Ўзбекистон мустақил бўлгандан сўнг барча тўсиқлар олиб ташланди. Биз ҳам бемалол келиб кетиш имкониятига эга бўлдик.

Айниқса, Хотира ва Қадрлаш куни ҳақидаги Фармонни эшитгач, жуда хурсанд бўлдик. Бизнинг кўнглимизга ҳам боболаримизнинг қабрини обод қилиш фикри келди. Бугун биз бу ерга Дони Абаев, Мир Юсупов, Илюша Фузайлов, Юсуф Рафаэлов каби бир неча миллатдошларимиз билан келганмиз. Мақсадимиз, мана шу тупроқдаги яҳудийлар қабристонини зиёрат қилишдир. Шу билан биргаликда, узунлиги 30 метр, эни 12 метр бўлган кўприк ҳам қураяпмиз. Ахир, ўзбекларда «йул ва кўприк қурганнинг савобига не етсин», деган ибратомуз, пурмаъно гап бор-ку.

Хотира ва Қадрлаш ҳақиқий меҳр-оқибат кунидир. Бу миллатга меҳр, она юртга муҳаббат, ўтган аждодлар руҳига оқибат ва келажакка ишонч демакдир. Зеро, ўтмишсиз келажак йўқ. Аждодлар руҳини шод этиш муқаддас бурчдир.

Ислом ҲАМРО,
журналист

«Микаса» кубогига аёллар мафтун

Эртага Республика Қуролли Кучлари спорт мажмуасида волейбол бўйича халқаро мусобақа бошланади

— Кўпчилик нима учун халқаро мусобақа «Микаса» ибораси билан боғлиқ деган хаёлга бориши табиий, — дейди бош котиб. — Бунга сабаб «Микаса» Японияннинг йирик компанияларидан бири бўлиб, асосан, волейбол тўплари ва ускуналарини дунёга чиқаради. Спортнинг мазкур турини ривожлантиришни истаган мамлакат борки, мазкур компания билан муаомала қилмай иложи йўқ. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон пойтахтини мазкур кубоқ учун халқаро мусобақа ўтказишга танлангани бежиз эмас. Биз ўз йўлимиз билан саъй-ҳаракат қилдик, Япония мутахассислари ҳам бизни қўллаб-қувватлашди. Уларга маъқул келган томони ҳам шундаки, кунчиқар мамлакат билан Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар йил сайин яхшиланиб бормоқда. Мамлакатимизда Японияннинг ўнлаб фирма, компания ва қўшма корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Бундай муаммоларни йўлга қўйиш бўйича бош қароргоҳ Тошкентда бўлгани учун ҳам Ўрта Осиё мамлакатлари билан алоқаларни яхшилашда юртимиз ўзига хос кўприк вазифасини ўташи мумкинлиги Япония вакилларига маъқул келди. Қолаверса, Осиё

билан Европа ўртасида алоқаларнинг яхшиланишида ҳам Тошкентнинг муҳим аҳамияти борлиги эътироф этилмоқда. Бир сўз билан айтганда «Микаса» Президенти Ўзбекистон пойтахтида нуфузли мусобақани ташкил этишга бажонидил розилик билдирди.

— Мусобақаларни ўтказиш тартиби, иштирок этувчи жамоалар ҳақида ҳам гапириб бersангиз?

— Баҳслар 26-30 май кунлари Республика Қуролли Кучларининг таъмирланган залида ўтказилади. Бу зал Франциянинг «Тарафлекс» фирмасининг алоҳида тўшамалари билан қопланди. Японияндан келтирилган махсус жиҳоз-ускуналар билан безатилди. Мусобақалар боришини кўрсатиб турувчи электрон таблони эса «Гидрометприбор» илмий ишлаб-чиқариш корхонаси жамоаси тайёрлаб беришди. Мусобақада бешта жамоа қатнашади. Москванинг МГФСО, Японияннинг «Каноя», Павлодарнинг «Иртиш», Қирғизистоннинг «Бешсари» жамоалари ҳамда Ўзбекистон жисмоний тарбия институтининг ЖИСК клублари ўзаро беллашадилар. Баҳслар муросасиз бўлиши кутиляпти. Бир сўз билан айтганда 5 кун мобайнида ажойиб волейбол беллашувларидан мухлислар ажиб таассурот оладилар деган ниятдамиз.

Ҳайдар НОСИРОВ
суҳбатлашди.

Ҳурматли мусобақа қатнашчилари!

Бу сафар биз Мисрда иқтисодий ислоҳот одимлари, сармоя ва сармоядорларга эътибор, ёшларнинг тадбиркорликларини рағбатлантириш, мамлакатдаги янги саноат шаҳарчалари ва маданий-маиший мажмуалар, эркин иқтисодий минтақалар хусусида сўз юритамиз.

Миср: кеча ва бугун

Мисрда иқтисодий ислоҳотлар саксонинчи йиллар охирида мамлакат иқтисоди бир қатор муаммо ва қийинчиликларга дуч келгач, ўтказила бошланди. Ҳозирда ислоҳотларнинг учинчи босқичи амалга оширилмоқда. Биринчи босқич марказлашган режалаштириш ҳамда давлат сектори ҳукмрон бўлган иқтисодни хусусий сектор етакчи роль ўйнайдиган, марказлашмаган бозор иқтисодига айлантириш билан характерланади. Иккинчи босқичда мамлакат иқтисодини макро даражада барқарор бўлиши ҳамда молиявий ислоҳотларга эътибор берилди. Ҳозирда ҳам давом этаётган учинчи босқичда эса асосий диққат хусусийлаштириш жараёнига қаратилган.

Сармояни рағбатлантириш — расмий сиёсат

Сармоя келажакни бунёд этишда муҳим воситадир. Етмишинчи йиллар ўртасида бошланган ўсиш жараёнида хусусий капиталнинг ўсиб борувчи ролига бўлган ишончдан келиб чиққан Миср давлати саксонинчи йиллар бошларида бутун диққатини хусусий сармоялар оқимини таъминлайдиган шарт-шароитни яратиш учун зарур инфраструктураларни ҳозирлашда яна сармояларга қаратди.

Мисрда иқтисодий ислоҳотлар дастури 1987 йил ўрталарида амалга ошира бошланди.Ўша йили май ойида эркин валюта бозори тикланиб, сармоя ҳақида янги қонун ҳам қабул қилинди. Бу қонун биринчидан, олдинлари ҳукумат, давлат сектори ва маҳаллий идораларга қарашли соҳаларга ҳам хусусий сектор сармоя қўйишига йўл очди. Иккинчидан, агар сармоя-капитал мамлакат вилоятларига жалб этилаётган бўлса, унга янги саноат ва турар-жой комплексларидаги ёки янги саноат минтақалари ёйинки вилоятнинг чекка ерларидаги сармоя сифатида қаралиб, у ерлардаги 20 йил муддатга солиқдан озод бўладиган объектларга бериладиган барча қулайлик ва енгилликлар уларга ҳам бериладиган бўлди. Учинчидан, турли идоралар кунда, кунора сармоядорлар ишига аралашавермаслиги, уларнинг тўла эркинлигини таъминлаш, эркин қарор қабул қилишларига имкон яратилди. Тўртинчидан, сармоялар Бош бошқармаси сармоядорлар муаммолари ҳал бўлиб, барча ишлари битадиган, турли расмиятчиликлардан йироқ ягона муассасага айлантирилди.

Янги шаҳарлар, саноат ва маданий-маиший мажмуалар хусусида

Мисрнинг маданий-маиший соҳа тараққиёти стратегияси қуйидаги икки асосий мақсад:

— Аҳолини жалб этиш учун етарли табиий имкониятларга эга, ҳозирча деярли ҳеч ким яшамаётган Сувайш канали, Шимолий-Ғарбий соҳил, Қизил денгиз бўйлари, Янги водий, Синай ҳудудлари ҳамда Катта Асвон тўғони ҳосил қилган денгиз атрофлари сингари ерларда янги маданий-маиший масканлар ташкил этишга;

— Йирик шаҳар ва баъзи шаҳарчалардаги аҳоли зичлигини камайтириш мақсадида Водий ва Дельта туманларида қатор янги шаҳарлар бунёд этишга қаратилган.

Шу тариқа мамлакат аҳолиси тақсимотидаги номутаносибликка барҳам топиш керак эди. Зеро, яқин-яқингача Миср аҳолиси мамлакат умумий майдонининг атиги 5 фоизида, яъни 50 минг кв.км. қисмидагина истиқомат қилар, 95 фоиз майдон, яъни тахминан 950 минг кв.км. майдон аҳолисисиз, бўш ётар эди. Кейинчалик мамлакат аҳолиси яшайдиган ерлар миқдорини 600 минг кв. км. етказиш кун тартибига чиқди. Бу эса мамлакат умумий майдонининг 60 фоизини ташкил этади. Айни чоғда бу ерларда керакли барча инфраструктура тизимлари ҳам бунёд этилиши керак эди. Шу кунга келиб мамлакатда бу борада 18 та янги саноат шаҳарлари барпо этилди. «10-Рамазон», «15-май», «6-Октябр», «Ас-Садат», «Бург Ал-Араб», «Ас-Солихия», «Ан-Нубария», «Думьят», «Бани Сувеф», «Ал-Минья», «Асьют», «Ал-Убур», «Бадр» ва Қоҳира халқа йўли атрофидаги 5 та шаҳарча шулар жумласидандир. Бу шаҳарларда кўплаб керакли маданий-маиший хизмат ўчоқлари билан бирга юзлаб янги саноат корхоналари ҳам ишга туширилди.

Мусобақа этади давом

Эркин иқтисодий минтақалар

Мисрнинг ўзига хос жуғрофий ўрни, ишлаб чиқариш имкониятлари, ундаги сиёсий барқарорлик мамлакат иқтисодига чет эл сармоялари кўплаб кириб келишига муҳим туртки бўлди. Мисрнинг иқтисодий сиёсати мамлакатга сармояларни жалб этиш билан бирга, бу борада мавжуд барча қулайликлардан фойдаланган ҳолда янгидан-янги лойиҳа-объектлар барпо этишга қаратилди. Сармоялар ҳақидаги янги қонун мамлакатда икки сармоявий тизим фаолиятини тақозо этади. Бири ички сармоя тизими бўлиб, у мамлакат ичкарисида сармояталаб лойиҳа-объектлар яратишга қаратилган. Иккинчиси эса эркин иқтисодий минтақаларда сармоя тизимидир. Маълумки, эркин иқтисодий минтақаларда чет эл валютасида муомала қилинади. Бу минтақаларда ҳеч қандай солиқ ва бож тўловлари бўлмайди.

Ҳозиргача давлат томонидан турли-туман янги лойиҳа-объектлар бунёд этиш учун керакли барча инфраструктура ва хизмат ўчоқлари муҳайё этилган 5 та эркин иқтисодий минтақа ишга туширилган. Улар Мадинат-Наср, Искандария, Порт-Саид, Ал-Исмоилия, Сувайш эркин иқтисодий минтақаларидир. Бу минтақалардаги жўшқин фаолият сармоядорларни эркин минтақалар низомига кўра яна шундай янги объектлар бунёд этишга қизиқтирди. Натижада, Сафага, Порт-Саид, Думьят, Ал-Ариш, Утка, Раъс Ан-Нақб ва Рафаҳ сингари янги эркин минтақалар вужудга келди.

Тадбиркорликни рағбатлантириш

Иқтисодий ислоҳотлар ва иқтисодни эркинлаштиришдан кўзланган мақсад миллий иқтисод ўз олдидаги вазифаларни иложи борича яхши адо этиши, ҳақиқий иқтисодий ўсишни таъминлашидан иборат. Бу ўз навбатида миллий иқтисод структурасини янги иқтисодий механизмлар билан ишлай оладиган даражада ўзгартиришни тақозо этади. Кўпинча ислоҳотлар дастурини амалга ошириш муайян ижтимоий маблағларни сарфлашни талаб этадики, бу аҳолининг муайян қатламлари, айниқса, кам даромадли кишилар турмуш даражасига салбий таъсир этади.

Мисрда ислоҳотлар жараёни амалий дастур асосида изчил олиб борилмоқда. Бунда яқин ва узоқ келажак мақсад ва самаралари мувозанатини таъминлаш, унинг ўсиш, савдо баланси, нарх-наво даражаси ҳамда ижтимоий адолат қарор топишига таъсири доимо диққат-эътиборда туради. Ислоҳотлар чоғида давлат корхоналарини хусусийлаштириш натижасида ортиқча ишчи кучидан воз кечилиши энг нозик ижтимоий муаммолардан ҳисобланади. Шу боис Меҳнат ҳақидаги янги қонунлар бундай ишчиларни тўғридан-тўғри эмас, балки муайян комиссия кўриб чиққандан сўнггина бўшатишга рухсат этилади. Шу билан бирга ёши тўлмаса ҳам нафақага чиқиш, ўз ишини очиш рағбатлантирилади. Бунинг эвазига муайян миқдорда товон ҳам тўланади. Улар кўчмас мулк, устахона, транспорт воситалари олишларини молиялаш, иқтисодий ислоҳотларнинг аҳолининг кам таъминланган қатламлари зиммасига тушадиган оғир юкларни камайтириш мақсадида «тараққиётнинг ижтимоий жамғармаси» тузилди. Айни чоғда бугун ва яқин келажакда зарурати ортадиган соҳа мутахассислари тайёрланадиган ва қайта тайёрланадиган бўлди. Бу жамғарма хусусий сектор фаолиятини кенгайтириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш, ишсизликни камайтириш, ёшлар корхоналарини молия билан таъминлаш каби фаолиятни ўз устига олган.

Исмоилиядаги «Меркурий» меҳмонхонаси

Ҳар йили Мисрда ёшлар корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазма-ярмаркалари ўтказилади ва уни мамлакат Президенти Хусний Муборак келиб очади. Бу ёшлар ва уларнинг мамлакат иқтисодий тикланишидаги ролига бўлган ишонч рамзидир.

Қоҳирадаги мусиқий асарлар кутубхонаси

4. Савол-жавоблар варақаси

Мусобақа қатнашчисининг
исми шарифи_____
маълумоти_____касби-кори_____
ёши_____
манзили_____телефони_____

1. Мисрда чет эл сармоя ва сармоядорларини рағбатлантириш учун бир неча эркин иқтисодий минтақалар барпо этилди. Шулардан бири:

а) Ал- Ғардақада б) Порт Саидда в) Абу Сумбулда

2.Мисрнинг тараққиёт стратегияси бир қатор янги маданий-маиший мажмуа ва саноат шаҳарчалари бунёд этишни кўзда тутганди. Шулардан бири:

а) Ал-Карнак б) 6-Октябр в) Ал-Аламайн

Эслатма: Савол ва жавоб варақалари киркиб олиниб, жавобларнинг нотўғрилари ўчирилган ҳолда мусобақа якунигача

ЙИҒИБ ЮРИЛАДИ, сўнг қуйидаги манзилга юборилади:

Тошкент — 700000, Матбуотчилар кўчаси, 32, 6-қават, 601-604 хоналар. Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси (мусобақага)

O'ZBEKISTON OVOZI

Vatanni sevmak iymondandur!

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1999 yil 25 may, seyshanba • № 61 (24.456).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Адашганлар «Армон»и

Тақриз

Қўлимга Йўлдош Сулаймоннинг «Армон» романини олганимда, ёзувчи нималарнинг армони ҳақида, қай давр армонлари ҳақида ёзган экан деб ўйладим. Романни гоҳида шиддат, гоҳида сокинлик билан ўқидим ва ёзувчи адашган инсонлар армонини юракни «жиз» этказадиган тарзда ифодалай олганига амин бўлдим. Хўш бу адашган инсонлар кимлар? Нечун уларнинг армони бугун бизни «ўйлатмоқда»?

Роман бош қаҳрамонлари Абдушукур маҳдум, Салмон ота, Ойим хола, Дарвишали, Маҳбубахон, Зиёхон ва яна бир қанча зиёли, оддий инсонлар образлари бор. Бу образлар ҳар бири ўзига хос тарзда талқин қилинади.

Салмон ота ёшлиги етимликда, Ҳамроқулбойнинг хизматида ўтган, сўнг бундан қочиб, пахсачилик қилиб юрган, охири кўнгилли (добровольный) бўлиб инқилобчиларга қўшилган, кейинчалик Ширинбулоқ колхози (ширкат)га раис бўлган шахс. Салмон ота, С. Соҳибов, Кичкинахўжаев каби ўз умрини, ҳаётини собиқ тузумга бағишлаган инсонларни, ўша тузумнинг ўзи маҳв этади.

Абдушукур қудаси Салмон раисдан ўч олиш ниятида Шералиевдек амалпараст, фақат ўзини ўйлайдиган худбинлар билан тил бириктиришга рози. У Салмон добрни шўролиги учун ёмон кўради. Бироқ дилидагини тилига чиқара олмайди, замонсозлик қилади. Маҳдум хаёлангина шўрочилар «сизлар қўрқоқсиз, сизларга жон ширин, бизга эса эътиқод, билдингларми, эътиқод! Имонсизларда эътиқод нима қилади. Эътиқод ахир, бу — имон деганику!» — дея олади. Абдушукур Ватанни, нега советлар, умуман руслар исканжасига тушиб қолганини миллатпарварман деб юрган Ғофуржон бойлардан кўра теранроқ англайди. «Айб ўзимизда, ҳаддан ошиб кетдик. Оғизда бирлашиш ҳақида гап кўпайиб, амалда бир-биримизнинг тагимизга сув қуйдик», — дейди у. Умуман Абдушукур образи характеридаги камчиликларни ювиб кетгандек бўлади. Романда воқеалар хронологик изчил тарзда тасвирланмайди. Воқеалар хотиралар орқали берилади.

Романда қисман бўлса ҳам асли миллат ҳимоячиси бўлган, коммунистлар томонидан «босмачи» аталганлар ҳақида ҳам сўз боради. Шерқўзи «Аждар», «Фаришталар» образи назаримизда анъанавийроқ чиқиб қолган.

Романда Дарвишали ва Зиёхон муносабатлари керагидан ортиқ тасвирланган. Тўғри, ёзувчига у қаҳрамон ҳақида ўн саҳифа, бу қаҳрамон ҳақида беш саҳифа ёз деб бўлмайди. Буни «Армон» руҳидан келиб чиққан ҳолда, Ватанни озод кўролмай кетган Абдушукурлар, «Қизил империя» авлодларига иноннган ва ўзининг бу фожиасини билмаган Салмон оталар армонидан келиб чиққан ҳолда айтаяпман бу ҳолни.

Ёзувчи табиат тасвирларини сўзлар билан чизаётганда, Зиёхон, Дарвишали ички кечинмаларини ёритаётганда жуда очилиб кетади, шоирона ифодалари дилингизга ўрнашади. Персонажларнинг ўзига хослигини, ҳолатини, ички дунёсини тасвирлашда Йўлдош Сулаймон халқ ибораларидан усталик билан фойдаланганки, бу асар тилини бойитган. «Чилласи чироқ кўрмаган», «Кўзи совуқ», «Эр — туғилган ерига, ит — тўйган ерига боради», «Айт десалар, байт деб», «Ҳомийси бўлган ит бўрини енгади» ва шунга ўхшаш мақол-маталларни жуда ўрни билан ишлатган.

«Армон» романи қаҳрамонларини уч гуруҳга ажратиш мумкин. Абдушукур маҳдум кабилар, яъни мавқеидан, имкониятидан қатъи назар, Ватан озодлигини истаган ва бу йўлда курашганлар. Иккинчи бир гуруҳ Салмон добр, Сирож Соҳибов ва уларнинг маслакдошлари, фирқага бутун вужуди билан ишонган ва мана шу ишонч уларни йўлдан адаштирган. Уларнинг адашганлиги совет тузумининг ёлғонларига ишонганларидир. Учинчиси, Дарвишали, Зиёхон, Раъно ва уларнинг сафдошлари. Бу ёшлар сиёсатдан узоқ. Улар яшаш, яратиш орзусида ёнадилар. Ҳаётга, муҳаббат туйғулари билан сархуш.

Хулосамиз ёзувчи Йўлдош Сулаймон асримизнинг иккинчи чорагида Фарғона водийси ҳаёти ҳақида яхши асар ярата олган. Муҳими, шу вақтгача инсонларнинг дилида бўлиб, тилига чиқара олмаган гапларини айта олган. Бу ёмон кўрса ҳам рус хотинидан ажралишга қўрқадиган Ашурали тақдирида ёки бошқа орзулари сароб бўлган инсонлар тақдирида бадиий ифодасини топган.

Асар сўнггида ҳаёт бедодликларидан тўйган, хаёлидаги ўзга олам, ой, юлдузлар оламига онаси олиб кетмоқчи бўлган Дарвишали сўзлари «Армон»нинг моҳиятини жамлагандек бўлади.

Адҳамбек АЛИМБЕКОВ,
ТошДУ доценти

Қайтиб келасизми, оҳулар?

Табиат ва инсон

Кекса отахонларнинг айтишича, бундан қирқ йиллар бурун оҳулар ҳозирги Жиззах вилояти ҳудудларига қарашли бўлган ерларни бутунлай ташлаб кетганлар. Оҳулар шарпалардан қочиб беркинадиган тўқайларга ўт қўйилган, чўлларни ўзлаштирамиз, деб жониворлар кезадиган кенгликлар олд-ортга қаралмасдан ҳайдалаверган, самолётлар далалар тепасидан гулдурос солиб дори сепа бошлаган. Чорасиз оҳулар бошпана излаб Зоминдан Мирзачўлга, Мирзачўлдан Форишга... Сўнгра — Нурота тизма тоғларидан ошиб Бухорога кетиб қолишган. Шундан кейин кўзлари билан қизларни уялтирадиган, шоирларга илҳом берадиган, оҳулар учрамай қўйди. Улар ўзлари билан тустовуқларни, тоғ эчкиларини, архарларни эргаштириб кетдилар. Табиатнинг бир қирраси маҳв бўлди, мувозанат бузилди.

— Оҳуларни Жиззах ҳудудларига олиб келиш имкони бор, — дейишди вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидаги мутасадди кишилар, — Бухородаги жайронлар муҳофаза қилинаётган қўриқхонадан шу жониворларни олиб келиш керак...

Юрагинг беихтиёр ҳапририб кетади. Қанийди... Бир пайтда ўз қилмиши билан оҳуларни қувиб юборган одам яна табиатнинг бағрини тўлдирса? Ахир шу жониворларни қувлаган, юлдузни бенарвон урадиган овчилар эмасмиди? Қани энди улар оҳуларни силаб-сийпаса, тим қаро кўзларига меҳр билан боқишса?! Оҳулар эркаланиб, нозланиб, ўнгирларда сакраб-сакраб юрсалар...

Мутахассисларнинг айтишига қараганда, жониворларни олиб келиш унча катта харажат талаб қилмайди. Фақат уларни шу ҳудудга ўргатиш учун жайронлар вақтинча яшайдиган симтўсиқлар қуриш керак. Оҳуларни келтириб уларнинг яшаши, кўпайиши учун шароит яратиш зарур. Симдеворлар билан ўралган қўтонни қўриқлайдиган, вақтида жониворлар учун озуқа бериб турадиган табиат жонкуярлари бўлса бас. Жониворлар бир пайтлар кўзларида ёш билан хайрлашган Фориш кенгликларида муҳофаза қилинса мақсадга мувофиқ бўларди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Касб касаллиги назоратни талаб этади

Инсон соғлиғи ва баркамоллиги жамият бойлигидир. Бунинг исботи ўлароқ Президентимизнинг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг давлат дастури тўғрисида»ги Фармони, ҳамда «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонун, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «1998-2005 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси»нинг амалий жиҳатдан жамиятдаги самарасини кўз олдимизга келтириш кифоя. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ва кишилар саломатлигига хавф туғдирувчи баъзи хасталиклар (сил, онкологик, эндокринологик, руҳий, теританосил) қаторида касб касалликлари билан оғриган беморларга ҳам бепул тиббий хизмат кўрсатиш, уларни дори-дармон билан таъминлаш имтиёзи берилгани мамлакатимиз сиёсатининг нақадар инсонпарварлигини кўрсатади. Масалан, касб касаллиги бўйича II-гуруҳ ногирони бўлган ҳар бир беморга давлат бюджетидан бир ойда ўртача 4000 сўм, бир йилда 48000 сўм маблағ сарфланади.

«1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси»да профилактика йўналишини ривожлантириш ва мукаммаллаштириш бўйича ҳам қатор масалалар назарда тутилган. Шунга мувофиқ тиббиёт тизимининг бошланғич бўғини ҳисобланган маҳаллий амбулаториялар, поликлиникалар, ишлаб чиқариш корхоналарининг тиббий-санитария бирлашмалари, цех ва бўлинмалар шифокорлари ўз вазифаларига жиддий ёндошишлари лозим. Кишиларни ишга қабул қилишдан олдин тиббий кўрикларни сифатли ўтказиш зарур бўлади. Сурункали касалликлар ва аллергияга мойиллиги бўлган кишиларни ишга олиш пайтидаёқ хасталаги аниқланиб, муайян иш шароити унга тўғри келмаслиги тушунтирилиши муҳим аҳамиятга эга. Шунда касб касаллигига чалинганлар сони анча камайган бўлар эди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш корхоналарида вақти-вақти билан ўтказиладиган тиббий кўриклар замонавий ташхис ускуналари ёрдамида юқори малакали мутахассислар томонидан олиб борилиши шарт. Касалликнинг илк белгилари пайдо бўлган пайтдаёқ аниқланиб, ишчини бошқа иш шароитига ўтказилиши мақсадга мувофиқдир.

Касб касалликлари клиникасига кўпинча асоссиз равишда турли хил хасталикка чалинган беморлар юборилади. Бу эса кўп тушунмовчиликларга сабаб бўлади. Қолаверса, узоқ вилоятлардан келадиган беморларнинг аксарият ҳолларда сарсон бўлишига чек қўйиш зарур. Шунинг учун касб касаллиги борлиги гумон қилинган беморлар ҳар бир поликлиниканинг ўзида фаолият кўрсатувчи махсус комиссиядан ўтказилиб, маълум даражада асос бўлгандагина клиникага юборилиши керак.

Касб касаллигининг олдини олишда мутахассислар томонидан иш жойларининг тозалик ва озодалик талабларга жавоб беришини тасдиқловчи ҳужжатлар тавсия этилади.

Афсуски, мазкур ҳужжатни беришда ҳам жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда, яъни жойларда етарлича текшириш ўтказилмаяпти. Шунчаки расмиятчилик юзага келмоқда.

Бу каби нуқсонларнинг олдини олиш вақти етди. Зеро, бугунги тараққиёт камчиликларни бартараф этишнигина эмас, балки фидойилик эвазига янги-янги ютуқларни қўлга киритишни талаб этмоқда. Бу фикр тиббиётга ҳам тегишлидир.

Норбой ТОЖИЕВ,
тиббиёт фанлари номзоди

Инсон хотираси — азиз

Кулгу дарғасига эҳтиром

Гуллар чаманию яшилликка бурканган Хонобод шаҳрининг обод оромгоҳида аския авжига чиқди. Кулги жаранглади. Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев хотирасига бағишланган қизиқчилару сўз усталари, бадиий ҳаваскорларнинг анъанавий кўрик-танлови кўнгилларга қувонч бахш этди. Сойиб Хўжаевнинг оила аъзолари, шогирдлари, таниқли санъаткорлар, кулгусевар томошабинлар даврани тўлдирдилар. Боғ саҳнаси тўрида Сойиб Хўжаевнинг кулимсираган катта расми санъаткорнинг умри боқийлиги рамзидек туюлади. Санъаткор худди «мен ҳам сизлар билан биргаман, ҳамюртларим», деяётгандек.

Ҳақиқий санъаткорни халқимиз ҳамиша қадрлайди. Қалбида ардоқлайди. Сойиб Хўжаев ҳам ана шундай кўпчиликнинг қалбидан ўрин олган устоз санъаткор эди. Унинг «Тошболта ошиқ» образи томошабинларнинг тилидан тушмаганлиги, кўпчиликнинг олқишига сазовор бўлганлигини айтиш ўринлидир. «Қаердасан, Зулфия?» («Ёр-ёр») фильмидаги ҳаётий ҳамоҳанглик санъаткорни эл-юрт ҳурматига сазовор қилди. Уста санъаткор хотираси билан боғлиқ бу тадбирга мамлакатимиз пойтахтидан Ўзбекистон халқ артисти С. Пўлатов, республикада хизмат кўрсатган артист Ф. Аҳмедов, Фарғона водийсида сўз устаси саналган Х. Султонов ва бошқа кўплаб ҳаваскор ёшлар ташриф буюрдилар. Устоз анъанасини давом эттиришга шайландилар. Шаҳрихонлик А. Баҳриддиновнинг аскияларидан ичак узилгудек кулги кўтарилди. Олтинкўллик М. Райимжоновнинг ҳали жуда ёш бола бўлишига қарамай миллий аския жанрининг назик қирраларини маҳорат билан ўрганаётгани намоён бўлди. Избосканлик М. Исмоилов, О. Исмоилов чиқишлари кўпчиликнинг қаҳ-қаҳасига сабаб бўлди. «Сўтақўзи» гуруҳининг ҳангомаларини йиғилганлар қарсаклар билан олқишладилар. Кўрик-танлов туфайли янги-янги истеъдод кашф қилинди.

Катта тадбир қатнашчиларининг кўнглида хурсандчилик, юзида табассум балқиди. Бу тадбир Сойиб Хўжаевнинг қадрдонлари бўлган санъаткорларга, оила аъзоларига қўш қувонч бўлди. Айниқса, истеъдодли санъаткорнинг умр йўлдоши, табаррук онахон кўнглидан кечган ўйларни ҳаяжон ила сўзлади.

— Санъати билан халқ ўртасида ҳурмат топган умр йўлдошим халқимиз учун яшаб, эзгу ишлари билан ўзларига ҳайкал яратган эканлар. Умр йўлдошимнинг содда, пурмаъно сўзларини ҳамон хотирлайман. — «Санъат халқники, санъаткорга ҳақиқий баҳони ҳам халқ беради», — дердилар. Томошабиннинг юзида табассум кўрганларида қувончлари ичига сиғмасди.

Боғда ўтирган оқсоқоллар ёшларга Сойиб Хўжаев ижодини эъзозлаб, хотира тадбирини ташкил этган ҳамюртларига, Андижон вилоят маданият ишлар бошқармасига, Хонобод шаҳар ҳокимлигига, Сойиб Хўжаев жамғармаси раҳбарларига чин дилдан миннатдорлик билдирдилар.

— Сойиб Хўжаев санъат мактабини битирмаган бўлсаларда санъат учун яралган, чинакам халқ артисти эдилар, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ф. Аҳмедов. — Шунинг учун ҳам у яратган образлар халқ қалбида абадий қолди. Биз Сойиб аканинг самимий инсонлигига доим ҳавас қилардик. Уста деб мурожаат этардик. Забардаст санъаткорнинг руҳи поклари олдида таъзимдамиз.

Ўзбекистон халқ артисти Сойиб Хўжаев хотираси билан боғлиқ кўрик-танлов иқтидорли, ҳаваскор аскиячи, сўз усталарини мухлислар синовидан ўтказди.

Аҳмадулло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Хаёл оғушида

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

«Ўздастроҳасбобускунасавдо»

акциядорлик жамияти

1999 йил 2-4 июнь кунлари
Дастгоҳсозлик, асбобсозлик, машинасозлик ва бошқа маҳсулотларнинг

Республика ярмаркасини ўтказади.
Ярмаркага таклиф этамиз.

Манзил: Тошкент шаҳар, Беруний кўчаси, 2-уй, 1- корпус, 9 секция (мўлжал — «Тинчлик» метроси бекати, «Ғунча» кинотеатри қаршисида).
Телефонлар: (3712) 49-37-69, 42-14-55.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 41-ҳунартехника билим юрти томонидан Акрамов Азиз Абролевич номига 1998 йил 5 июнда берилган КҲТ 011804 рақамли 3-даражали авточилангарлик ихтисослиги тўғрисидаги диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Сулаймон компани»

Тошкентдаги шўъба корхонасининг

«Голд лэбл», Цейлон «Пико», «Кўк чой», «Мустафа чай» маҳсулотлари муаттар, хушбўйлиги ва ҳамма вақт чанқоқни тез қондириши билан истеъмолчига ғоятда манзур бўлади. Менделеев даврий жадвалида ифодаланган барча маъданлар ана шу чойлар таркибида мавжудлиги билан мутлақо бебаҳодир.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 136-55-16;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

БЎЛИМЛАР:

Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

Навбатчи муҳаррир *Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ*, навбатчи *Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Дилором БЕКМУРОДОВА

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00004
Газета офсет усулида, А—2 форматда, 23.681 нусхада босилди.

Ҳажми 2 босма табоқ.

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г — 0353

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23 10
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ҳамиша биз билан бирга бўлинг!

Реклама ва эълонлар учун телефонлар:

«Ўзбекистон овози» — 133-47-80,
«Голос Узбекистана» — 136-26-70,
«Осиё бозори» — 133-38-55